



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2023 yil «14» сентябрь

№ ПК-308

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Электрон ҳукумат тадқиқоти” ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тұғрисида

Аҳоли, тадбиркорлик субъектлари ва давлат идоралари ўртасида рақамли мулоқотни таъминлаш, масъул идора ва ташкилотлар томонидан замонавий ечимлар ишлаб чиқишига кўмаклашиш учун илғор технологияларни жорий этиш, Ҳукумат фаолияти самарадорлигини ошириш, шунингдек, мамлакатнинг халқаро майдондаги имиджи ва инвестициявий жозибадорлигини яхшилаш мақсадида:

1. Белгилансинки, “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштириш комиссияси (А. Арипов) (кейинги ўринларда – Комиссия) **Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Электрон ҳукумат тадқиқоти” ҳисоботида** (кейинги ўринларда – “Электрон ҳукумат тадқиқоти” ҳисоботи) Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилаш йўналишидаги ишларни ташкил этади ва мувофиқлаштиради.

Бунда, мамлакатимизни “Электрон ҳукумат тадқиқоти” ҳисоботида **2030** йилга қадар **Электрон ҳукуматни ривожлантириш индекси** бўйича давлатлар рўйхатида биринчи **30** таликка киритиш Комиссиянинг асосий вазифаларидан бири этиб белгилансин.

2. Қуйидагилар:

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Электрон ҳукумат тадқиқоти” ҳисоботи индексларидағи кўрсаткичларни яхшилаш бўйича “**Йўл харитаси**” **1-иловага** мувофик;

“Электрон ҳукумат тадқиқоти” ҳисоботининг **Онлайн хизмат** кўрсатиши индексидаги кўрсаткичларни яхшилаш учун масъул ишчи груптаркиби **2-иловага** мувофик;

“Электрон ҳукумат тадқиқоти” ҳисоботининг **Электрон иштирок этиш индексидаги** кўрсаткичларни яхшилаш учун масъул ишчи гурӯҳ таркиби **3-иловага** мувофиқ;

“Электрон ҳукумат тадқиқоти” ҳисоботининг **Телекоммуникация инфратузилмаси индексидаги** кўрсаткичларни яхшилаш учун масъул ишчи гурӯҳ таркиби **4-иловага** мувофиқ;

“Электрон ҳукумат тадқиқоти” ҳисоботининг **Инсон капитали индексидаги** кўрсаткичларни яхшилаш учун масъул ишчи гурӯҳ таркиби **5-иловага** мувофиқ;

“Электрон ҳукумат тадқиқоти” ҳисоботининг **Маҳаллий онлайн хизматлар индексидаги** кўрсаткичларни яхшилаш учун масъул ишчи гурӯҳ таркиби **6-иловага** мувофиқ тасдиқлансан.

3. Қўйидагилар “Электрон ҳукумат тадқиқоти” ҳисботовида кўзда тутилган индекслар бўйича кўрсаткичларни яхшилаш учун масъул ишчи гурӯҳларнинг вазифалари этиб белгилансин:

энг муҳим таркибий индикаторларни, уларни шакллантириш методологиясини, шунингдек, охирги ҳисботларда Ўзбекистон Республикасига оид маълумотларни чуқур таҳлил қилиш, тизимли муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

давлат органлари ва ташкилотлари **функцияларини хатловдан ўтказиш**, рақамлаштириладиган жараён ва хизматларнинг муддатлари ва тоифаларини кўрсатган ҳолда **аниқ рўйхатини** шакллантириш, шунингдек, рақамли хизматларни **садда**, шу жумладан ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ шахслар учун қулай шаклда жорий этиш юзасидан талабларни ишлаб чиқиш;

Интернет тармоғи ва мобиљ алоқа фойдаланувчилари сонини ошириш мақсадида телекоммуникация хизматлари бозорида **рақобатни ривожлантириш**, оператор ва провайдерлар учун тенг шароитларни таъминлаш, телекоммуникация хизматларини кўрсатувчи субъектлар учун жаҳон **Интернет тармоғига** уланиш жараёнларини **саддалаштириш**, хусусий провайдерларни **“охирги миля”** тамойили асосида қўллаб-қувватлаш бўйича таклифлар тайёрлаш;

рақамли ҳукумат тизими ҳамда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларига **сунъий интеллект, катта ҳажмдаги маълумотлар, буюмлар интернети** ҳамда **блокчейн** каби илғор технологияларни жорий этиш, **мобиљ иловалар** орқали хизмат кўрсатишни ривожлантириш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқиш;

таълим билан ялпи қамров ва унинг давомийлик муддати бўйича халқаро баҳолаш мезонларини жорий этиш, улар асосида соҳани такомиллаштириш, аҳоли, шу жумладан нуронийлар, аёллар, ёшлар ва ногиронлиги бўлган шахсларни рақамли технологиялар бўйича “ҳаёт давомида таълим олиш” тамойили асосида ўқитиш тизимини ишлаб чиқиш;

давлат ахборот тизимлари ва ресурсларидан **электрон маълумот олиш**, уларда электрон қарор қабул қилиш, маҳаллий органларнинг аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан рақамли мулоқотини таъминлаш механизмларини ишлаб чиқиш.

4. Белгилаб қўйилсинки:

а) 2024 йил 1 июндан бошлаб янги рақамли хизматлар ва сервислар, қоида тариқасида, биринчи навбатда Ягона интерактив давлат хизматлари порталининг (кейинги ўринларда – Ягона портал) мобиль иловасида жорий этилади;

б) 2024 йил якунига қадар:

Ягона порталда кўрсатилаётган хизматлар сони **700 тага**, уларнинг автоматлашганлик даражаси **65 фоизга** етказилади;

Ягона порталда жорий этилган рақамли хизматлар ва сервисларнинг камиди **75 фоизи мобиль илова** орқали кўрсатилиши йўлга қўйилади;

в) аҳоли учун рақамли хизматлардан фойдаланишда қулайликлар яратиш мақсадида:

2024 йил 1 январдан бошлаб **рақамли ҳукумат тизими** ҳамда унинг аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига тақдим этадиган имкониятлари ҳақида батафсил маълумот берувчи **маҳсус портал**;

2024 йил 1 июндан бошлаб республика ҳудудидаги **яшил ҳудуд**, боғ ва жамоат парклари ҳамда **2024 йил 1 сентябрдан** бошлаб Тошкент шаҳрида жамоат транспорти ҳаракати ҳақида ахборот берувчи **маҳсус порталлар** ишга туширилади.

5. Рақамли технологиилар вазирлиги (Ш.Шерматов):

бир ой муддатда **шошилинч тезкор хизматлар** бўйича **аҳолининг чақиравларини** қабул қилиш ва уларни тезкор равишда қайта ишлаш бўйича **“112” ягона марказлашган диспетчерлик хизмати** фаолиятини республиканинг барча ҳудудларида босқичма-босқич ташкил этиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсан;

2023 йил 1 ноябрдан бошлаб “**охирги миля**” тамойили асосида тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорликда аҳоли хонадонларига кенг полосали Интернет тармоқларини олиб боришга қаратилган ҳамкорлик дастурини амалга оширсин;

2024 йил якунига қадар магистраль телекоммуникация тармоғи ва аҳоли яшаш масканларида қўшимча **50 минг километр оптик толали алоқа линиялари қурилишини таъминласин**.

6. Комиссия ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган “Рақамли ҳукумат лойиҳа оғиси” ташкил этилсин.

7. Белгилансинки:

а) Комиссия раисининг ўринбосари (Ш. Шерматов):

“Рақамли ҳукумат лойиҳа оғиси”га малакали мутахассисларни жалб этади ҳамда унинг фаолиятини мувофиқлаштиради;

рақамли ҳукумат тизимини ривожлантириш юзасидан амалдаги ҳолат бўйича таҳлиллар, мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш юзасидан аниқ **таклифларни** мунтазам равишда Комиссияга киритиб боради;

б) “Рақамли ҳукумат лойиҳа оғиси” фаолияти халқаро ташкилотлар ва молия институтларидан, шунингдек, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалардан жалб қилинадиган маблағлар ва грантлар ҳисобидан молиялаштирилади.

8. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги (Л. Кудратов) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Электрон ҳукумат тадқиқоти” ҳисоботи индексларидағи кўрсаткичларни яхшилаш бўйича “Йўл ҳаритаси”га мувофиқ амалга ошириладиган тадбирлар ҳамда лойиҳаларни молиялаштириш учун халқаро молия ташкилотларининг техник кўмаги, грантлари ва кредитларини жалб этиш юзасидан зарур ташкилий-амалий чора-тадбирларни амалга оширишга кўмаклашсин.

9. Рақамли технологиялар вазирлиги (Ш. Шерматов) 2024 йил 1 январга қадар рақамли ҳукумат тизимини ривожлантириш бўйича мамлакатимизда амалга оширилган ишлар натижадорлиги юзасидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича департаментига тақдимот қилсин ҳамда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини асослаш бўйича мунтазам равишда музокаралар ўтказсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб рақамли технологиялар вазири Ш.Х. Шерматов белгилансин.

Қарор ижросини мұхокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мұвоғиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бөш вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

**Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Электрон ҳўкумат тадқиқоти” ҳисоботи
индексларидағи кўрсаткичларни яхшилаш бўйича
“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”**

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъул ижрочилар
I. Онлайн хизматлар индекси				
1.	<p>Онлайн хизматлар индексида Ўзбекистон Республикасини биринчи 10 та ўриндаги давлатлар қаторига киришини таъминлаш.</p> <p>Бунда, БМТнинг “Электрон ҳўкумат тадқиқоти” ҳисоботида келтирилган Онлайн хизматлар индексини шакллантириш учун баҳоланадиган 5 та соҳанинг (<i>технология, институционал тузилма, контентни тақдим этиш, электрон иштирок этиш ва хизматларни тақдим этиш</i>) 112 та кўрсаткичи бўйича амалдаги ҳолатни хатловдан ўтказиш.</p> <p>Онлайн хизматлар индексида шакллантириш учун баҳоланадиган 5 та соҳанинг (<i>технология, институционал тузилма, контентни тақдим этиш, электрон иштирок этиш ва хизматларни тақдим этиш</i>) 112 та кўрсаткичлари бўйича амалдаги тизимни технологик, ташкилий ва ҳуқуқий жиҳатдан такомиллаштириш.</p>	<p>1. Онлайн хизматлар индексини шакллантириш учун баҳоланадиган 5 та соҳанинг (<i>технология, институционал тузилма, контентни тақдим этиш, электрон иштирок этиш ва хизматларни тақдим этиш</i>) 112 та кўрсаткичи бўйича амалдаги ҳолатни хатловдан ўтказиш.</p> <p>2. Мазкур кўрсаткичлар бўйича аниқланган ҳар бир камчилик ва халқаро талабларга номувофиқликларни қисқа муддатда ҳал этиш бўйича чора-тадбирлар ҳамда биринчи навбатда рақамлаштирилиши ва автоматлаштирилиши лозим бўлган хизматлар (<i>сервислар</i>) бўйича дастур шакллантириш ҳамда “Рақамли ҳўкумат лойиҳа офиси”га киритиш.</p> <p>3. Онлайн хизматлар индексида мамлакатимиз ўрнини яхшилашга қаратилган дастурни амалга ошириш.</p>	<p>2023 йил ноябрь</p> <p>2023 йил декабрь</p> <p>2024–2025 йиллар</p>	<p>“Электрон ҳўкумат тадқиқоти” ҳисоботининг Онлайн хизмат кўрсатиши индексидаги кўрсаткичларни яхшилаш учун масъул ишчи гурӯҳ, манфаатдор вазирлик ва идоралар</p>
2.	<p>Рақамли ҳўкумат тизими ҳамда унинг аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига тақдим этадиган имкониятлари ҳақида батафсил маълумот берувчи маҳсус портални яратиш.</p>	<p>1. Портал бўйича техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Портални яратиш ва ишга тушириш.</p>	<p>2023 йил декабрь</p>	<p>Рақамлаштириш вазирлиги, “Электрон ҳўкумат тадқиқоти” ҳисоботининг</p>

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъул ижрочилар
				Онлайн хизмат кўрсатиш индексидаги кўрсаткичларни яхшилаш учун масъул ишчи гурӯҳ
3.	Ягона интерактив давлат хизматлари порталидан (кейинги ўринларда – Ягона портал) фойдаланиш қулайлиги ҳамда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш.	<p>1. Ягона портал орқали кўрсатиладиган хизматлар бўйича фойдаланувчиларнинг саволларига тезкор жавоб бериш бўйича хизмат кўрсатувчи “call-марказ” билан боғланиш вақтни икки баробар камайтириш, мурожаат қилиш бўйича қисқа рақам (1242) тўғрисидаги маълумотларни веб-сайт ва унинг иловасининг саҳифалаш жараёнида ўзгармас майдонда катта ҳажмларда жойлаштириш.</p> <p>2. Ягона портал фойдаланувчилари учун реал вақтда чат орқали қўллаб-қувватлашнинг: “Чат-бот” функциясини жорий этиш;</p> <p>жорий этилган чат дастурларини такомиллаштириш ҳамда сунъий интеллект асосида ишлайдиган “чат-бот” функциясини жорий этиш.</p>	2023 йил ноябрь 2023 йил ноябрь 2024 йил сентябрь	Рақамлаштириш вазирлиги, Raқамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази
4.	Хизматлар фойдаланувчилар учун қулай ҳамда осон бўлишини таъминлаш мақсадида Ягона портал веб-сайти ва иловасининг мутлақо янги талқинини яратиш.	<p>1. Фойдаланувчилар учун қулай ва осон бўлиши, фойдаланишда мослашувчанлик ҳамда инклузивликни таъминлаш шартлари асосида Ягона портал веб-сайти ва иловасининг янги талқинини ишлаб чиқиш.</p> <p>Бунда:</p> <p>фуқаролар, тадбиркорлик субъектлари, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда чет эл фуқаролари учун Ягона порталдан фойдаланиш имкониятларини яратиш;</p>	2023 йил декабрь	Рақамлаштириш вазирлиги, Raқамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Мүддати	Масъул ижрочилар
		<p>аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари томонидан янги хизматларни жорий этиш ҳамда мавжудларини мақбуллаштириш бўйича таклиф киритиш функцияларини жорий этиш.</p> <p>2. Ягона порталнинг янги талқиндаги веб-сайти ва иловасини тўлиқ ишга тушириш.</p> <p>3. Янги талқиндаги веб-сайт ва иловани мутахассислар ҳамда барча тоифадаги аҳоли вакиллари ва тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда доимий синовдан ўтказиш ва такомиллаштириб бориш.</p>	<p>2024 йил январь</p> <p>2024 йил январдан бошлаб доимий</p>	
5.	“Фуқаролар учун хизматлар портали” тамойили асосида Ягона порталнинг ривожланиш моделини такомиллаштириш.	“Фуқаролар учун хизматлар портали” тамойили асосида Ягона порталнинг ривожланиш моделини, шу жумладан, хизматларни жорий этиш жараёнлари ва чизмалари, портал фаолияти учун масъул бўлган бўлинмалар ўртасидаги муносабатлар ҳамда аниқ жавобгарлик даражаларини белгилаш.	2023 йил ноябрь	Рақамлаштириш вазирлиги, “Электрон ҳукумат тадқиқоти” ҳисоботининг Онлайн хизмат кўрсатиши индексидаги кўрсаткичларни яхшилаш учун масъул ишчи гурӯҳ
6.	Давлат идораларининг барча функцияларини хатловдан ўтказиб, рақамлаштириладиган жараён ва хизматларнинг тоифаларга (G2C, G2B, G2G) ажратилган аниқ рўйхати ва муддатларини белгилаш.	<p>1. Давлат идораларининг барча функцияларини хатловдан ўтказиш учун идоралараро ишчи гурӯҳлар ташкил қилиш.</p> <p>2. Давлат идораларининг функциялари рўйхатини жараён ва хизматлар тоифалари (G2C, G2B, G2G) кесимида ишлаб чиқиши.</p> <p>Бунда, функциялар рақамлашганлик ҳолати ва даражасини аниқлаш, рақамлаштиришнинг аниқ муддатлари, механизмлари ва масъул идораларни кўзда тутиш.</p>	<p>2023 йил октябрь</p> <p>2023 йил декабрь</p>	“Электрон ҳукумат тадқиқоти” ҳисоботининг Онлайн хизмат кўрсатиши индексидаги кўрсаткичларни яхшилаш учун масъул ишчи гурӯҳ, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги

T/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъул ижрочилар
		3. Функцияларни рақамлаштириш бўйича чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш.	2024–2025 йиллар	
7.	Рақамли хизматларни Ягона порталда (<i>my.gov.uz</i>) жамлаш ва улар сонини ошириш.	<p>1. Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган рақамли хизматларни Ягона порталда (<i>my.gov.uz</i>) жамлаш ва уларнинг умумий сонини:</p> <p>2023 йилда – 570 тага;</p> <p>2024 йилда – 700 тага етказиш;</p> <p>2. Ягона порталда (<i>my.gov.uz</i>) тақдим этилаётган хизматларнинг автоматлашганлик даражасини 65 фоизга етказиш.</p>	2023 йил декабрь 2024 йил декабрь 2024 йил декабрь	Рақамлаштириш вазирлиги, Raқамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази
8.	Хизматлар тақдим этилиши индикатори доирасида баҳоланадиган 32 та комплекс хизматлар гуруҳига киравчи хизматларни онлайн кўрсатишдаги мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этишга қаратилган, шу жумладан “ З қадам ” ва “ user centric ” тамоилиллари асосида зарур комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш. Бунда, қўйидаги масалаларни хатловдан ўтказиш: тендер савдоларини ўтказиш/тендер таклифларини юборишига мўлжалланган электрон харид платформаси мавжудлиги; келиш ва транзит учун зарур бўлган виза олиш учун онлайн ариза юбориш; транспорт воситаси (автомашина, юк машинаси, мотоцикл ва бошқалар)ни рўйхатдан ўтказиш ва/ёки муддатини узайтириш;	<p>1. 32 та комплекс хизматлар гуруҳига киравчи хизматларни тўлиқ хатловдан ўтказиш ва улар доирасига киравчи барча хизматлар рўйхатини шакллантириш.</p> <p>2. Шакллантирилган рўйхатдаги хизматларни амалда кўрсатиш ҳолатини таҳлил қилиш.</p> <p>3. Таҳлил натижаларига кўра хизматларни онлайн шаклга ўтказиш, биринчи навбатда мобил иловада жорий этиш ва мавжудларини тўлиқ автоматлаштириш, соддалаштириш бўйича рейтингда юқори натижага эга давлатларнинг ижобий тажрибасига таянган ҳолда аниқ чораларни ўз ичига олган “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш.</p> <p>4. Хизматлар тақдим этилиши индикатори доирасида баҳоланадиган кўрсаткичларни яхшилаш бўйича “Йўл харитаси”ни амалга ошириш.</p>	2023 йил ноябрь 2023 йил декабрь 2024 йил январь 2024–2025 йиллар	“Электрон ҳукумат тадқиқоти” ҳисоботининг Онлайн хизмат кўрсатиши индексидаги кўрсаткичларни яхшилаш учун масъул ишчи гурӯҳ

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъул ижрочилар
	<p>ички ишлар органларига онлайн мурожаат қилиш;</p> <p>яаш манзили ўзгарғанлиги ҳақида хабардор қилиш ёки рўйхатдан ўтишни онлайн амалга ошириш;</p> <p>юридик шахс ёки тадбиркорлик субъектларини расмий рўйхатдан ўтказиш имконияти;</p> <p>туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномани (шу жумладан дубликатини) олишга онлайн сўров юбориш имконияти;</p> <p>ўлим ҳақидаги гувоҳнома (шу жумладан дубликатини) олишга онлайн сўров юбориш имконияти;</p> <p>никоҳ қайд этилганлиги ҳақида гувоҳнома (шу жумладан дубликатини) олишга онлайн сўров юбориш имконияти);</p> <p>шахсни тасдиқловчи ҳужжатларни олиш;</p> <p>ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш;</p> <p>давлат экологик экспертизаси бўйича хulosалар олиш;</p> <p>экологик рухсатномаларни олиш;</p> <p>қурилишга доир рухсатномаларни олиш;</p> <p>тадбиркорлик фаолиятига доир лицензияларни олиш;</p> <p>республика ижро ҳокимиятида мавжуд бўш иш ўринлари (вакансия) учун ариза бериш;</p> <p>давлат божлари ва жарималарини онлайн тўлаш имконияти;</p>			

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъул ижрочилар
	<p>суд қарори ёки бошқа сабабларга кўра бекор қилинган маъмурӣ жарималарни ёки камайтирилган жариманинг фарқи суммасини автоматлаштирилган тарзда фуқароларга қайтариш жараёнларини рақамлаштириш ва онлайн ариза бериш имконияти;</p> <p>сув таъминоти билан боғлиқ коммунал хизматлардан фойдаланиш бўйича электрон жараёнлар;</p> <p>энергетика (электр ва газ) билан боғлиқ коммунал хизматлардан фойдаланиш бўйича электрон жараёнлар;</p> <p>электрон ҳисоблар;</p> <p>мобил хизматлар, смартфонлар учун иловалар, SMS хизмати, мобил браузер (соғлиқни сақлаш, таълим, бандлик, ижтимоий ҳимоя, атроф мұхит) орқали кўрсатилиши имкониятининг мавжудлиги;</p> <p>талабаларнинг бакалавр ёки магистратура учун грантлар ёки изланувчиликка доир стипендияларга ариза топшириш имконияти;</p> <p>ижтимоий ҳимоя дастурлари бўйича ариза юбориш имконияти;</p> <p>кам таъминланганлар (бola икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича ҳамда кам таъминланган оиласа болалар нафақасини олиш учун ариза бериш), ногиронлиги бўлган шахслар, нуронийлар, меҳнат мигрантлари, аёллар ва ёшлар учун мўлжалланган хизматлардан фойдаланиш</p>			

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъул ижрочилар
	<p>махсус имконияти;</p> <p>доимий яшаш учун рухсатнома олиш ҳуқуқи бўйича ариза юбориш;</p> <p>судланганлик ҳолатини тасдиқловчи маълумот олиш учун ариза бериш;</p> <p>суд маълумотларидан фойдалана олиш: маълумот олиш, ҳужжатни онлайн (очиш) кўриш, суд олиб бориш жараёни билан танишиш;</p> <p>пенсия ва нафақадаги шахслар учун хизматлар;</p> <p>касаллик ёки жароҳат сабабли нафақа (ёки товон пули) олиш учун ариза юбориш;</p> <p>бала нафақаси учун ариза юбориш;</p> <p>ногиронлик нафақасини олиш учун ариза юбориш;</p> <p>ҳомиладорлик ва туғилиш билан боғлиқ нафақалар учун онлайн ариза бериш;</p> <p>ишсизлик нафақасини олиш учун ариза юбориш ва бошқа барча нафақа турлари бўйича онлайн ариза юбориш.</p>			
9.	<p>Технология индикатори доирасида баҳоланадиган 20 та кўрсаткич ва талаблар бўйича мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни белгилаш. Бунда, қўйидаги масалаларни хатловдан ўтказиш:</p> <p>миллий даражада кенг фойдаланиладиган ҳар қандай қидирув тизими натижаларининг биринчи</p>	<p>1. 20 турдаги кўрсаткич ва талаблар бўйича амалдаги ҳолатни хатловдан ўтказиш ҳамда мақсадли ўрганиш.</p> <p>2. Тўпланган маълумотларни таҳлил қилиш ҳамда бу борада рейтингда юқори натижага эга давлатларнинг ижобий тажрибасини ўрганиш.</p> <p>3. Ўрганиш натижалари бўйича амалга оширилиши лозим бўлган аниқ чораларни ўз ичига олган “Йўл харитаси”ни шакллантириш.</p>	<p>2023 йил ноябрь</p> <p>2023 йил декабрь</p> <p>2024 йил январь</p>	<p>“Электрон ҳукумат тадқиқоти” ҳисоботининг Онлайн хизмат кўрсатиши индексидаги кўрсаткичларни яхшилаш учун масъул ишчи гурӯҳ</p>

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъул ижрочилар
	<p>саҳифасида давлат порталларини топиш имкониятининг мавжудлиги;</p> <p>қидирув функцияси;</p> <p>сайт харитаси;</p> <p>мурожаат юбориш имконияти;</p> <p>“Биз билан боғланинг” функциясининг мавжудлиги;</p> <p>миллий порталларнинг “HTTPS” протоколидан фойдаланиши;</p> <p>фойдаланувчи учун қулай веб-дизайн;</p> <p>сўнгги вақтлардаги янгиланиш бўйича маълумот;</p> <p>кенгайтирилган қидирувни амалга ошириш имконияти;</p> <p>энг кўп ишлатиладиган онлайн хизматларни танлаш ёки белгилаш имконининг мавжудлиги;</p> <p>аввал бажарилган амаллар ёки транзакцияларни кўриш имконияти;</p> <p>онлайн хизматларни осон тушуниш учун мўлжалланган йўриқнома ёки улардан фойдаланиш бўйича қўлланмалар мавжудлиги (ёрдам олиш учун ҳаволалар билан бирга);</p> <p>фуқароларнинг ўз шахсий маълумотларидан фойдалана олиш имконияти;</p> <p>юридик шахсларнинг ўз шахсий маълумотларидан фойдаланиш имконияти;</p> <p>юридик шахслар томонидан ўз шахсий</p>	<p>4. Технология индикатори доирасида баҳоланадиган кўрсаткич ва талаблар бўйича амалдаги механизмларни такомиллаштириш бўйича “йўл харитаси”ни амалга ошириш.</p>	<p>2024–2025 йиллар</p>	

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъул ижрочилар
	<p>маълумотларини ўзгаририш имконияти; транзакциялар ёки амалларнинг бажарилган қисмларида сақлаш ва уларни келгусида давом эттира олиш имконияти;</p> <p>сунъий интеллект асосида ишлайдиган “чат-бот” функциясининг мавжудлиги;</p> <p>W3C стандартларига мослиги (CSS style sheet/markup validity);</p> <p>WCAG2.0 талабларига мослиги.</p>			
10.	<p>Институционал тузилма индикатори доирасида баҳоланадиган 16 та кўрсаткич ва талаблар бўйича мавжуд мӯаммо ва камчиликларни бартараф этишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш. Бунда, қўйидаги масалаларни хатловдан ўтказиш:</p> <p>хўкумат ва миллий порталлар фаолиятини такомиллаштириш;</p> <p>хўкумат таркиби, республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлар ташкилий тузилмаси ва/ёки таркиби ҳақида маълумотлар жойлаштирилиши;</p> <p>миллий портал ва веб-сайтларда республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлар таркибий тузилмалари, шу жумладан тизим ташкилотлари раҳбарлари ҳақида долзарб маълумотлар мавжудлиги;</p> <p>республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, давлат муассасалари</p>	<p>1. 16 турдаги зарур маълумотлар, ахборот ресурслари мавжудлиги ва долзарблиги ҳамда чора-тадбирлар кўрилиши бўйича амалдаги ҳолатни хатловдан ўтказиш ҳамда мақсадли ўрганишни ташкил этиш.</p> <p>2. Тўпланган маълумотларни таҳлил қилиш ҳамда бу борада рейтингда юқори натижага эга давлатларнинг ижобий тажрибасини ўрганиш.</p> <p>3. Ўрганиш натижалари бўйича таҳлилий маълумотнома ва амалга оширилиши лозим бўлган аниқ чораларни ўз ичига олган “йўл харитаси”ни шакллантириш.</p> <p>4. Институционал тузилма индикатори доирасида баҳоланадиган кўрсаткич ва талаблар бўйича амалдаги механизmlарни такомиллаштиришга қаратилган “йўл харитаси”ни амалга ошириш.</p>	<p>2023 йил ноябрь</p> <p>2023 йил декабрь</p> <p>2024 йил январь</p> <p>2024–2025 йиллар</p>	<p>“Электрон ҳўкумат тадқиқоти” ҳисоботининг Онлайн хизмат кўрсатиши индексидаги кўрсаткичларни яхшилаш учун масъул ишчи гурӯҳ</p>

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъул ижрочилар
	<p>ва агентликлари расмий ахборот ресурсларига ҳаволалар мавжудлиги;</p> <p>махфийлик бўйича маълумотлар мавжудлиги;</p> <p>онлайн хизматлардан фойдалана олиш учун ягона рақамли идентификаторларнинг кўлланиши;</p> <p>Рақамли ҳукумат ёки унга мос келувчи миллий стратегиянинг мавжудлиги;</p> <p>фуқароларнинг давлат маълумотларидан фойдаланиш бўйича ҳуқуқлари тўғрисидаги маълумот;</p> <p>шахсга доир маълумотлар хавфсизлигини таъминлаш бўйича қонун ҳамда қонунчилик ҳужжатлари, сиёsat ва низомларнинг мавжудлиги;</p> <p>киберхавфсизлик бўйича тартибга солишга қаратилган қонун ҳамда қонунчилик ҳужжатлари, тартиб (сиёsat) ёки низомнинг мавжудлиги;</p> <p>IT-соҳасига масъул бўлган миллий даражадаги раҳбар ёки унга tenglashтирилган шахс тўғрисида умумий маълумотлар (шу жумладан, боғланиш маълумотлари билан) мавжудлиги;</p> <p>электрон иштирок тўғрисида қонун ҳамда қонунчилик ҳужжатлари, низом ёки йўриқномаларнинг мавжудлиги;</p> <p>давлат очиқ маълумотлари тўғрисида қонун ҳамда қонунчилик ҳужжатлари, низом ёки йўриқномаларнинг мавжудлиги;</p>			

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъул ижрочилар
	<p>соғлиқни сақлаш, таълим, бандлик, ижтимоий ҳимоя, атроф-муҳит, суд йўналишларини тартибга солувчи идоралар расмий веб-сайти ҳамда ушбу соҳа расмий ахборот ресурсларига ҳавола мавжудлиги;</p> <p>соғлиқни сақлаш, таълим, бандлик, ижтимоий ҳимоя, атроф-муҳит, суд соҳаси билан боғлиқ тартиб (сиёsat) тўғрисида маълумотнинг мавжудлиги;</p> <p>маълумотлар йўналишида миллий стратегия ёки тартибнинг мавжудлиги.</p>			
11.	<p>Контент тақдим этиш индикатори доирасида баҳоланадиган 10 та талаблар бўйича мавжуд мұаммо ва камчиликларни бартараф этишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш. Бунда, қўйидаги масалаларни хатловдан ўтказиш:</p> <p>миллий портал(лар) давлат тилидан бошқа тилларда ҳам юритилиши;</p> <p>давлат хизматлари учун онлайн тўловлардан ташқари бошқа йўллар орқали тўлаш имконияти мавжудлиги;</p> <p>ўтказилиши режалаштирилаётган тендер ва харидлар ҳақида эълонлар мавжудлиги ҳамда улар ҳақида очиқ ва доимий манбадан маълумот олиш имконияти;</p> <p>ўтказилган онлайн тендер ва харид натижалари ҳақида маълумотлар мавжудлиги;</p> <p>хусусий сектор билан ҳамкорликда кўрсатиладиган хизматлар ҳақида маълумотларнинг мавжудлиги;</p>	<p>1. 10 турдаги зарур маълумотлар, ахборот ресурслари мавжудлиги ва долзарблиги ҳамда чора-тадбирлар кўрилиши бўйича амалдаги ҳолатни хатловдан ўтказиш ҳамда мақсадли ўрганишни ташкил этиш.</p> <p>2. Тўпланган маълумотларни таҳлил қилиш ҳамда бу борада рейтингда юқори натижага эга давлатларнинг ижобий тажрибасини ўрганиш.</p> <p>3. Ўрганиш натижалари бўйича таҳлилий маълумотнома ва амалга оширилиши лозим бўлган аниқ чораларни ўз ичига олган “Йўл харитаси”ни шакллантириш.</p> <p>4. Контент тақдим этиш индикатори доирасидаги кўрсаткичларни яхшилаш бўйича “Йўл харитаси”ни амалга ошириш.</p>	<p>2023 йил ноябрь</p> <p>2023 йил декабрь</p> <p>2024 йил январь</p> <p>2024–2025 йиллар</p>	<p>“Электрон ҳукумат тадқиқоти” ҳисоботининг Онлайн хизмат кўрсатиши индексидаги кўрсаткичларни яхшилаш учун масъул ишчи групҳ</p>

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъул ижрочилар
	<p>киоскалар, жамоат марказлари, почета бўлинмалари, кутубхоналар ва жамоат жойлари ёки Wi-Fi зоналарда электрон хизматлардан бепул фойдалана олиш имкониятлари мавжудлиги ва уларнинг исботи ҳақидаги маълумотларнинг жойлаштирилганлиги;</p> <p>онлайн хизмат ва функция (сервис)лардан фойдаланганлик ҳақида статистик маълумотларнинг мавжудлиги;</p> <p>таълим олиш учун мавжуд стипендия ва грантлар ҳамда давлат томонидан ушбу соҳага ажратиладиган бошқа молиялаштириш дастурлари ҳақида маълумотларнинг мавжудлиги;</p> <p>ёшларни иш билан таъминлашга қаратилган ҳаволалар мавжудлиги;</p> <p>сурункали касаллик ёки ногиронлиги бўлган ва узоқ вақт давомида ўзгалар парваришига муҳтоҷ бўлган шахсларнинг тиббий ва нотиббий эҳтиёжлари учун кўрсатиладиган узоқ муддатли ёрдам бўйича турли хизматлар ҳақида маълумотларнинг мавжудлиги.</p>			
12.	<p>Электрон иштирок этиш индикатори доирасида баҳоланадиган 29 та талаблар бўйича мавжуд мӯаммо ва камчиликларни бартараф этишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни белгилаш. Бунда, қўйидаги масалаларни хатловдан ўтказиш:</p>	<p>1. 29 турдаги талаблар бўйича амалдаги ҳолатни хатловдан ўтказиш ҳамда мақсадли ўрганишни ташкил этиш.</p> <p>2. Тўпланган маълумотларни таҳлил қилиш ҳамда бу борада рейтингда юқори натижага эга давлатларнинг ижобий тажрибасини ўрганиш.</p>	<p>2023 йил ноябрь</p> <p>2023 йил декабрь</p>	<p>“Электрон ҳукумат тадқиқоти” ҳисоботининг Онлайн хизмат кўрсатиш индексидаги кўрсаткичларни яхшилаш учун масъул ишчи гурӯҳ</p>

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъул ижрочилар
	<p>электрон иштирок этиш учун мўлжалланган портал(лар)нинг мавжудлиги; ижтимоий тармоқлар функциялари жорий этилганлиги (мавжудлиги); реал вақт режимида чат орқали қўллаб-кувватлаш функциялари фаолияти; электрон хизматлардан фойдаланиш (шу жумладан, фойдалана олиш) бўйича қулагайликни ошириш юзасидан таклиф, эътиroz ва изоҳлар билдириш имконияти; давлат хизматчилари ёки ташкилотларидаги коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бериш имконияти;</p> <p>электрон иштирок этиш бўйича яқинлашиб келаётган тадбирларга жамоатчиликни жалб қилишга қаратилган эълонлар ёки тақвимлар; қарор қабул қилишга доир муҳокамалар бўйича маълумотлар олиш учун онлайн воситалар;</p> <p>электрон иштирок этиш асосида билдирилган таклифлар бўйича янги қарорлар қабул қилиниши, норматив ҳужжат имзоланиши ёки хизматлар жорий этилганлиги ҳақида маълумотлар;</p> <p>Ҳукуматнинг очиқ маълумотлар портали; очиқ маълумотлар порталидаги маълумотлар луғати ёки мета маълумотлар; Ҳукуматнинг очиқ маълумотлари тўпламидан фойдаланиш бўйича йўриқнома ёки қўлланманинг мавжудлиги;</p>	<p>3. Ўрганиш натижалари бўйича таҳлилий маълумотнома ва ҳал этилиши лозим бўлган аниқ чораларни ўз ичига олган “йўл харитаси”ни шакллантириш.</p> <p>4. Электрон иштирок этиш индикатори доирасида баҳоланадиган кўрсаткичларни яхшилаш бўйича “йўл харитаси”ни амалга ошириш.</p>	<p>2024 йил январь</p> <p>2024–2025 йиллар</p>	

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъул ижрочилар
	<p>янги турдаги маълумотлар тўпламини эълон қилишни таклиф қилиш ёки сўраб олиш имконияти;</p> <p>очиқ маълумотлар порталидан фойдаланиш бўйича ўтказиладиган танлов, хакатон ва тадбирлар ташкил этилиши ҳақида маълумот;</p> <p>очиқ маълумотлар порталида Давлат бюджети харажатлари тўғрисида маълумотлар тўплами;</p> <p>геоахборот тизимлари ва бошқа геофазовий маълумотлар;</p> <p>фойдаланувчининг онлайн ёки мобиль хизматлардан қониқиш даражасини аниқлаш бўйича баҳолаш натижалари;</p> <p>очиқ маълумотлар портали ва расмий веб-сайтда давлат томонидан соғлиқни сақлаш, таълим, бандлик, ижтимоий ҳимоя, атроф-муҳит ва суд соҳалари учун Давлат бюджети харажатлари тўғрисидаги маълумотларнинг мавжудлиги;</p> <p>сўнгги 12 ой ичида соғлиқни сақлаш, таълим, бандлик, ижтимоий ҳимоя, атроф-муҳит ва суд йўналишида фуқаролар иштирокида ўтказиш кўзда тутилган маслаҳатлар;</p> <p>сўнгги 12 ой ичида соғлиқни сақлаш, таълим, бандлик, ижтимоий ҳимоя, атроф-муҳит ва суд йўналишида фуқаролар иштирокида форум, сўровнома ва саволларга доир онлайн амалга оширилган маслаҳатлар;</p>			

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъул ижрочилар
	<p>сүнгги 12 ой мобайнида соғлиқни сақлаш, таълим, бандлик, ижтимоий ҳимоя, атроф-муҳит ва суд йўналишларида қарорлар қабул қилинишида фуқароларнинг фикр ёки таклифлари инобатга олинганлиги;</p> <p>соғлиқни сақлаш, таълим, бандлик, ижтимоий ҳимоя, атроф-муҳит ва суд йўналишларида давлат очиқ маълумотлари тўплами;</p> <p>меҳнат қонунчилиги борасида ҳуқуқбузарликлар тўғрисида онлайн мурожаат йўллаш имконияти;</p> <p>бергаликда бюджетни тақсимлаш имконияти ёки бу борадаги механизм мавжудлиги;</p> <p>давлат очиқ маълумотлари тўпламидан эркин фойдаланиш имкониятини берувчи очиқ маълумотлар лицензияси (ODbL) мавжудлиги;</p> <p>соғлиқни сақлаш, таълим, бандлик, ижтимоий ҳимоя, атроф-муҳит ва суд йўналишлари бўйича Давлат бюджети ҳамда ушбу йўналишдаги харажатларга доир маълумотлар;</p> <p>давлат очиқ маълумотларининг реал вақт режимида мавжудлиги;</p> <p>соғлиқни сақлаш, таълим, бандлик, ижтимоий ҳимоя, атроф-муҳит ва суд йўналишларида ҳамкорликда ёки бергаликда электрон хизматлар жорий этилиши ёки шакллантирилиши;</p>			

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъул ижрочилар
	электрон жамоавий мурожаат ёки бу борадаги механизмлар; охирги 12 ой ичидаги аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ гурӯҳлари, жумладан меҳнат мигрантлари, нуронийлар, ногиронлиги бўлган шахслар, аёллар, ёшлар, эҳтиёжманд оиласлар билан боғлиқ масалалар бўйича қарорлар қабул қилинишида уларнинг фикрлари ёки тақлифлари инобатга олинганилиги.			
13.	Барча хизматларни, биринчи навбатда, Ягона портал мобиль иловасида автоматлашган шаклда (<i>маълумот ва ҳужҷат талаб этмасдан</i>) жорий этиш ишларини самарали ташкил этиш.	1. Мобиль иловада жорий этилиши лозим бўлган оммабоп давлат хизматлари рўйхатини шакллантириш. 2. Давлат ташкилотлари томонидан электрон хизматларни кўрсатиш мақсадида ишлаб чиқилган мобиль иловаларнинг SDK дастурини ишлаб чиқиши орқали микроилова кўринишида myGov иловасида тизимли равишда жойлаштириш юзасидан чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиши. 3. Ягона портал мобиль иловасида тақдим этилаётган давлат хизматларини оммалаштириш бўйича PR-кампания дастурини амалга ошириш.	2023 йил ноябрь 2024 йил январь 2024–2025 йиллар	Рақамлаштириш вазирлиги, “Электрон ҳукумат тадқиқоти” ҳисботининг Онлайн хизмат кўрсатиш индексидаги кўрсаткичларни яхшилаш учун масъул ишчи гурӯҳ
14.	БМТнинг Электрон ҳукумат рейтинги бўйича баҳолаш мезонлари ва талаблари асосида Рақамли трансформация ҳамда ҳудудларда рақамли иқтисодиёт ҳолатини баҳолаш рейтингини (NIS.UZ-ахборот тизими) такомиллаштириш.	1. БМТнинг Электрон ҳукумат рейтинги бўйича сўнгги ҳисботи маълумотлари асосида Рақамли трансформация ҳамда ҳудудларда рақамли иқтисодиёт ҳолатини баҳолаш рейтингининг янги таҳрирдаги методикасини ишлаб чиқиши. 2. Янги таҳрирдаги методикани кўриб чиқиши ва тасдиқлаш учун “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштириш комиссиясига киритиш.	2023 йил декабрь 2024 йил январь	Рақамлаштириш вазирлиги, “Электрон ҳукумат тадқиқоти” ҳисботининг Онлайн хизмат кўрсатиш индексидаги кўрсаткичларни яхшилаш учун масъул ишчи гурӯҳ

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъул ижрочилар
15.	“Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасаси фаолиятини тақомиллаштириш.	Илғор хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази фаолиятини тақомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.	2024 йил январь	Рақамлаштириш вазирлиги
16.	Барча рақамли хизматларни Ягона портал мобиль иловасида автоматлашган шаклда жорий этиш.	<p>1. Мобиль иловада жорий этилиши лозим бўлган оммабоп давлат хизматлари рўйхатини шакллантириш.</p> <p>2. Ягона порталнинг мобиль иловасида рақамли хизматларни автоматлашган шаклда жорий этиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Ягона порталда жорий этилган рақамли хизматлар ва сервисларнинг камидаги 75 фоизи Ягона портал мобиль иловасида кўрсатилишини таъминлаш.</p>	2023 йил декабрь 2024 йил январь 2024 йил декабрь	Рақамлаштириш вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
17.	Рақамли хизматларни содда шаклда (<i>user-centric</i>), шу жумладан ижтимоий ҳимояга мұхтож шахслар учун құлай шаклда жорий этиш бўйича ҳуқуқий ва технологик талабларни ўрнатиш.	<p>1. Электрон давлат хизматларини содда шаклда (<i>user-centric</i>), шу жумладан ижтимоий ҳимояга мұхтож шахслар учун құлай шаклда жорий этиш бўйича ҳуқуқий ва технологик талабларни тасдиқлаш бўйича қўйидаги стандартлар лойиҳасини ишлаб чиқиш:</p> <p>электрон давлат хизматлари, жараёнларни моделлаштириш ва реинжиниринг қилиш (умумий талаблар);</p> <p>электрон давлат хизматларини яратиш босқичлари;</p> <p>электрон давлат хизматлари, рақамли трансформацияга қўйиладиган умумий талаблар.</p>	2024 йил март	Рақамлаштириш вазирлиги, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар

T/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъул ижрочилар
		2. Стандарт лойиҳасини ўрнатилган тартибда тасдиқлаш чораларини кўриш.	2024 йил май	
18.	Давлат ташкилотлари томонидан аҳолига рақамли хизматларни кўрсатиш жараёнини доимий мониторинг қилиш.	<p>1. Давлат ташкилотлари томонидан аҳолига кўрсатилаётган рақамли хизматлар бўйича ахборот тизимларини хатловдан ўтказиши.</p> <p>2. Хатлов натижаларига кўра, рақамли хизматларни кўрсатиш жараёнини ўрганиш, бунда қуйидагиларга эътибор қаратиш:</p> <ul style="list-style-type: none"> рақамли хизматларни фойдаланувчи тоифаларига кўра бир нечта тилда олиш имконияти яратилганлиги (шу жумладан имконияти чекланган шахсларга зарур шартшароитлар яратилганлиги); рақамли хизматлар паспорти шакллантирилгани, ариза тўлдириш жараёни содда, қулай шаклга келтирилгани; фойдаланувчини идентификация қилиш имконияти мавжудлиги; рақамли хизматлар кўрсатиш сифатини баҳолаш ва таклифлар киритиш имконияти яратилгани; рақамли хизматлар кўрсатилишининг ҳар бир босқичида аризанинг кўриб чиқилишини кузатиб бориш ва ундаги үзилишларни назорат қилиш имконияти яратилганлиги; рақамли хизмат бўйича онлайн тўловни амалга ошириш имконияти яратилганлиги. <p>3. Рақамли хизматларни кўрсатишда аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.</p>	<p>2023 йил декабрь</p> <p>2024 йил январдан бошлаб</p> <p>2024–2025 йиллар</p>	Рақамлаштириш вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари

T/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъул ижрочилар
II. Телекоммуникация инфратузилмаси индекси				
19.	Телекоммуникация инфратузилмаси индексида Ўзбекистон Республикасининг биринчи 35 та ўриндаги давлатлар қаторига киришини таъминлаш.	<p>1. Телекоммуникация инфратузилмаси индексида баҳолаш мезонларини таҳлил қилган ҳолда келгуси йилларда телекоммуникация тармоғини кенгайтириш мақсадида, оператор ва провайдерлардан бирламчи маълумотларни тўплаш ҳамда уларни таҳлил қилиш.</p> <p>2. Таҳлилий маълумотлар асосида мақсадли кўрсаткичларни белгилаш ва уларга эришиш бўйича тадбирларни назарда тутувчи "йўл харитаси"ни ишлаб чиқиш ва "Рақамли ҳукумат" лойиҳа офисига киритиш.</p>	<p>2023 йил ноябрь</p> <p>2023 йил декабрь</p>	"Электрон ҳукумат тадқиқоти" ҳисоботининг Телекоммуникация инфратузилмаси индексидаги кўрсаткичларни яхшилаш учун масъул ишчи гурӯҳ
2.1. Ҳар 100 нафар аҳолига нисбатан мобиль үяли алоқа абонентлари сонини ошириш				
20.	Мобиль үяли алоқа таянч станциялари сонини ошириш.	<p>1. Хизмат кўрсатувчи мобиль алоқа операторлари билан кенг полосали мобиль алоқа қамровини ошириш мақсадида таянч станцияларини ўрнатиш режасини тасдиқлаш.</p> <p>2. Мобиль алоқа таянч станцияларининг умумий сонини 59 мингтага етказиш орқали мобиль алоқа хизматларининг қамрови ҳамда сифатини янада яхшилаш.</p>	2023–2024 йиллар	Рақамлаштириш вазирлиги, "Электрон ҳукумат тадқиқоти" ҳисоботининг Телекоммуникация инфратузилмаси индексидаги кўрсаткичларни яхшилаш учун масъул ишчи гурӯҳ
21.	Телекоммуникация хизматлари бозорида рақобатни ривожлантириш ва операторлар учун тенг шарт-шароитларни таъминлаш.	<p>1. Телекоммуникация хизматлари бозори ҳолати, мобиль алоқа операторлари учун яратилган шароитлар, уларга тақдим этилган имтиёз ва преференцияларни таҳлил қилиш.</p> <p>2. Рейтингда илғор натижаларга эга хорижий мамлакатларнинг телекоммуникация хизматлари бозори ҳолати, мобиль алоқа операторлари учун яратилган шарт-</p>	<p>2023 йил октябрь</p> <p>2023 йил ноябрь</p>	"Электрон ҳукумат тадқиқоти" ҳисоботининг Телекоммуникация инфратузилмаси индексидаги кўрсаткичларни яхшилаш учун масъул ишчи гурӯҳ

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъул ижрочилар
		шароитлар, үларга тақдим этилган имтиёз ва преференцияларини ўрганиб чиқиш. 3. Телекоммуникация тармоқлари ҳамда хизматлар бозорини ташкил этиш ва ривожлантиришда иштирок этиш учун тенг имкониятларни яратиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш.	2023 йил декабрь	
2.2. Кенг полосали интернет фойдаланувчилари үлүшини ошириш				
22.	Интернетдан фойдаланиш тезлигини ошириш.	1. Кичик тариф режасида мавжуд тезликни ошириш чораларини белгилаш. 2. Белгиланган чоралардан келиб чиқсан ҳолда интернет хизмати кичик тариф режаси бўйича тезликни 8 Мбит/секундга етказиш.	2024 йил май 2024 йил декабрь	“Электрон ҳукумат тадқиқоти” ҳисоботининг Телекоммуникация инфратузилмаси индексидаги кўрсаткичларни яхшилаш учун масъул ишчи гурӯҳ
23.	Аҳоли учун тақдим этиладиган Интернет тезлигини ошириш чораларини белгилаш.	Халқаро пакетли коммутация марказлари ўтказувчанлик қобилиятини босқичма-босқич ошириш бўйича таклифлар тайёрлаш.	2023 йил ноябрь	“Электрон ҳукумат тадқиқоти” ҳисоботининг Телекоммуникация инфратузилмаси индексидаги кўрсаткичларни яхшилаш учун масъул ишчи гурӯҳ
2.3. Ҳар 100 нафар аҳолига нисбатан стационар (симли) кенг полосали интернет абонентлар сонини ошириш				
24.	Кенг полосали симли интернет билан таъминланганлик даражасини ошириш.	1. Магистрал телекоммуникация тармоғи ва аҳоли яшаш масканларида 50 минг км оптик толали алоқа линиялари қуриш орқали уларнинг умумий узунлигини 250 минг километрга етказиш.	2023-2024 йиллар	Рақамлаштириш вазирлиги, “Электрон ҳукумат тадқиқоти” ҳисоботининг Телекоммуникация инфратузилмаси

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъул ижрочилар
		<p>2. 700 мингта кенг полосали интернет портлар ўрнатиш орқали улар сонини 5,7 миллионтага етказиш.</p> <p>3. Аҳоли масканларини юқори тезликдаги кенг полосали симли интернет билан таъминлаш даражасини:</p> <p>2023 йилда 88 фоиз;</p> <p>2024 йилда 100 фоизга етказиш.</p>	2023 йил декабрь 2024 йил декабрь	индексидаги кўрсаткичларни яхшилаш учун масъул ишчи гурӯҳ
25.	“Охирги миля” тамойили асосида провайдерларга интернет тармоғини ўтказиш бўйича ҳамкорлик дастурини амалга ошириш.	“Охирги миля” тамойили асосида “Ўзбектелеком” АҚ томонидан тадбиркорлик субъектлари билан биргаликда аҳоли хонадонларига тармоқ олиб боришига қаратилган ҳамкорлик дастурини амалга ошириш.	2023 йил ноябрдан бошлаб	“Электрон ҳукумат тадқиқоти” ҳисоботининг Телекоммуникация инфратузилмаси индексидаги кўрсаткичларни яхшилаш учун масъул ишчи гурӯҳ
26.	Республиканинг барча аҳолиси учун юқори тезликдаги интернетга уланиш имкониятини яратиш бўйича зарур чораларни белгилаш.	Юқори тезликдаги интернетга улаш юзасидан барча зарур чораларни қамраб олган 2025–2026 йилларга мўлжалланган дастур лойиҳасини ишлаб чиқиш.	2024 йил февраль	“Электрон ҳукумат тадқиқоти” ҳисоботининг Телекоммуникация инфратузилмаси индексидаги кўрсаткичларни яхшилаш учун масъул ишчи гурӯҳ
27.	Худудларда аҳолини симли кенг полосали интернет хизматлари билан таъминлаш даражасини ошириш мақсадида магистрал нуқталардан тураржой ва бизнес обьектларгача бўлган масофада интернет тармоқлари ўтказилиши учун хусусий провайдерларни “охирги миля” тамойили	<p>1. Оператор ва провайдерларнинг туман (шаҳар)ларда рақамли инфратузилмани ривожлантириш лойиҳалари амалга оширилишини қўллаб-қувватлаш бўйича хорижий тажрибани таҳлил қилиш.</p> <p>2. Магистрал нуқталардан тураржой ва бизнес обьектларгача бўлган масофада интернет тармоқлари ўтказилиши учун хусусий</p>	2023 йил октябрь 2023 йил декабрь	“Электрон ҳукумат тадқиқоти” ҳисоботининг Телекоммуникация инфратузилмаси индексидаги кўрсаткичларни яхшилаш учун масъул ишчи гурӯҳ

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъул ижрочилар
	асосида құллаб-құвватлаш чораларини белгилаш.	проводерларни “охирги миля” тамойили асосида құллаб-құвватлаш бүйича аник ҳисобкитоблар асосида құшимча иқтисодий-хуқуқий механизмларни назарда тутувчи таклифлар тайёрлаш.		

2.4. Ҳар 100 нафар аҳолига нисбатан кенг полосали мобиль алоқа абонентлар сонини ошириш

28.	Кенг полосали мобиль интернет билан қамраб олиш даражасини ошириш.	Аҳоли яшаш масканларини юқори тезликдаги мобиль интернет билан таъминлаш даражасини: – 2023 йилда 88 фоиз; – 2024 йилда 100 фоизга етказиш.	2023 йил декабрь 2024 йил декабрь	“Электрон ҳүкумат тадқиқоти” ҳисоботининг Телекоммуникация инфратузилмаси индексидаги күрсаткичларни яхшилаш учун масъул ишчи гурӯҳ
29.	Автомагистраль йўлларда мобиль интернет қамровини тўлиқ таъминлаш.	1. Хизмат кўрсатувчи мобиль алоқа операторлари томонидан халқаро аҳамиятга эга магистраль автомобиль йўллари бўйлаб юқори тезликдаги мобиль интернет қамрови даражасини ошириш учун мобиль алоқа таянч станцияларини ўрнатиш режасини тасдиқлаш. 2. Халқаро аҳамиятга эга магистрал автомобиль йўлларида кенг полосали мобиль алоқа қамровини ошириш мақсадида құшимча таянч станциялари ва ускуналарини ўрнатиш.	2023–2024 йиллар	“Электрон ҳүкумат тадқиқоти” ҳисоботининг Телекоммуникация инфратузилмаси индексидаги күрсаткичларни яхшилаш учун масъул ишчи гурӯҳ
30.	Кенг полосали мобиль алоқа хизматларидан фойдаланувчи абонентлар сонини ошириш учун шарт-шароитларни кенгайтириш бўйича зарур чораларни белгилаш.	1. Кенг полосали мобиль алоқа абонентлари сонини ошириш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиб чиқиш ва таҳлилий маълумот тайёрлаш. 2. Таҳлилий маълумот асосида мобиль алоқа фойдаланувчилари сонини ошириш бўйича таклиф ишлаб чиқиш.	2023 йил октябрь 2023 йил ноябрь	“Электрон ҳүкумат тадқиқоти” ҳисоботининг Телекоммуникация инфратузилмаси индексидаги күрсаткичларни яхшилаш учун масъул ишчи гурӯҳ

T/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъул ижрочилар
III. Электрон иштирок этиш индекси				
31.	Электрон иштирок этиш индексида Ўзбекистон Республикасини биринчи 15 та ўриндаги давлатлар қаторига киришини таъминлаш бўйича мақсадли кўрсаткичлар ишлаб чиқиши.	<p>1. Электрон иштирок индексида баҳолаш мезонларини белгилаган ҳолда уларга эришиш бўйича икки йилга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичларни ишлаб чиқиши.</p> <p>2. Мазкур кўрсаткичлар бўйича аниқланган ҳар бир камчилик ва халқаро талабларга номувофиқликларни ҳал этиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва “Рақамли ҳукумат” лойиҳа офисига киритиш.</p>	<p>2023 йил ноябрь</p> <p>2023 йил декабрь</p>	“Электрон ҳукумат тадқиқоти” ҳисоботининг Электрон иштирок этиш индексидаги кўрсаткичларни яхшилаш учун масъул ишчи гурӯҳ
32.	Электрон маълумот индикатори доирасида баҳоланадиган кўрсаткичларни таҳлил қилиш ҳамда улар бўйича муаммо ва камчиликларни бартараф этишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.	<p>1. Индикаторга доир кўрсаткичларни таҳлил қилиш ҳамда бу борадаги амалдаги ҳолатни мақсадли ўрганиш.</p> <p>2. Тўпланган маълумотларни таҳлил қилиш ҳамда ушбу соҳадаги индикаторларда юқори натижага эга давлатларнинг ижобий тажрибасини ўрганиш.</p> <p>3. Ўрганиш натижалари бўйича таҳлилий маълумот ва амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирларни ишлаб чиқиши.</p>	<p>2023 йил ноябрь</p> <p>2023 йил декабрь</p> <p>2024 йил январь</p>	“Электрон ҳукумат тадқиқоти” ҳисоботининг Электрон иштирок этиш индексидаги кўрсаткичларни яхшилаш учун масъул ишчи гурӯҳ
33.	Электрон маслаҳат индикатори доирасида баҳоланадиган кўрсаткичларни таҳлил қилиш ҳамда улар бўйича муаммо ва камчиликларни бартараф этишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.	<p>1. Индикаторга доир кўрсаткичларни таҳлил қилиш ҳамда бу борадаги амалдаги ҳолатни мақсадли ўрганиш.</p> <p>2. Тўпланган маълумотларни таҳлил қилиш ҳамда ушбу соҳадаги индикаторларда юқори натижага эга давлатларнинг ижобий тажрибасини ўрганиш.</p> <p>3. Ўрганиш натижалари бўйича таҳлилий маълумотнома ва амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирларни ишлаб чиқиши.</p>	<p>2023 йил ноябрь</p> <p>2023 йил декабрь</p> <p>2024 йил январь</p>	“Электрон ҳукумат тадқиқоти” ҳисоботининг Электрон иштирок этиш индексидаги кўрсаткичларни яхшилаш учун масъул ишчи гурӯҳ

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъул ижрочилар
34.	Электрон қарор қабул қилиш индикатори доирасида баҳоланадиган кўрсаткичларни таҳлил қилиш ҳамда улар бўйича муаммо ва камчиликларни бартараф этишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.	<p>1. Индикаторга доир кўрсаткичларни таҳлил қилиш ҳамда бу борадаги амалдаги ҳолатни мақсадли ўрганиш.</p> <p>2. Тўпланган маълумотларни таҳлил қилиш ҳамда ушбу соҳадаги индикаторларда юқори натижага эга давлатларнинг ижобий тажрибасини ўрганиш.</p> <p>3. Ўрганиш натижалари бўйича таҳлилий маълумотнома ва амалга оширилиши лозим бўлган аниқ чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш.</p>	2023 йил октябрь 2023 йил ноябрь 2023 йил декабрь	“Электрон ҳукумат тадқиқоти” ҳисоботининг Электрон иштирок этиш индексидаги кўрсаткичларни яхшилаш учун масъул ишчи гурӯҳ
35.	Давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда уларнинг раҳбарлари ҳақида тўлиқ маълумот олиш, уларга онлайн мурожаат йўллаш ва жавоб олиш имконини берувчи, вазирлик, идора ва ташкилотлар биринчи раҳбарлари томонидан юритиладиган интернет-блог функцияларидан иборат маҳсус платформа фаолиятини йўлга қўйиш.	<p>Аҳоли билан электрон мулоқотни таъминлаш учун қўйидагиларни назарда тутувчи маҳсус платформа жорий этиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш:</p> <p>идоралар биринчи раҳбарлари тўғрисида маълумот олиш ҳамда улар томонидан Интернет-блог юритиш;</p> <p>идоралар биринчи раҳбарларига онлайн мурожаат қилиш ва жавоб олиш;</p> <p>қарорлар қабул қилишда жамоатчилик фикрини сўровнома асосида аниқлаш;</p> <p>дастурлар ижроси бўйича интернет-конференциялар юритиши.</p>	2023 йил декабрь	“Электрон ҳукумат тадқиқоти” ҳисоботининг Электрон иштирок этиш индексидаги кўрсаткичларни яхшилаш учун масъул ишчи гурӯҳ
IV. Инсон капитали индекси				
36.	Инсон капитали индексида Ўзбекистон Республикасининг биринчи 30 та ўриндаги давлатлар қаторига киришини таъминлаш бўйича мақсадли кўрсаткичлар ишлаб чиқиш.	<p>1. Инсон капитали индексида баҳолаш мезонларини белгилаган ҳолда уларга эришиш бўйича мақсадли кўрсаткичларни ишлаб чиқиш.</p>	2023 йил ноябрь	“Электрон ҳукумат тадқиқоти” ҳисоботининг Инсон капитали индексидаги кўрсаткичларни яхшилаш

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъул ижрочилар
		2. Мазкур кўрсаткичлар бўйича аниқланган ҳар бир камчилик ва халқаро талабларга номувофиқликларни ҳал этиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва "Рақамли ҳукумат лойиҳа офиси"га киритиш.	2024 йил декабрь	учун масъул ишчи гурӯҳ
37.	Мактабдан олий таълимгача босқичда ялпи қамров ҳамда давомийлик муддати бўйича ЮНЕСКО баҳолаш мезонларини жорий этиш ва таълим соҳасида сиёсатни ишлаб чиқиша мазкур кўрсаткичларни инобатга олиш.	1. БМТнинг Электрон ҳукумат рейтингидаги Инсон капитали индексида баҳолаш мезонларини таҳлил қилиш. 2. Баҳолаш мезонларини жорий этиш ва таълим соҳасида сиёсатни ишлаб чиқиш юзасидан ЮНЕСКО масъул бўлинмалари билан музокаралар олиб бориш. 3. Олиб борилган музокаралар натижасида мактабдан олий таълимгача босқичда ялпи қамров ҳамда давомийлик муддати бўйича ЮНЕСКО баҳолаш мезонларини жорий қилиш юзасидан амалий чора-тадбирларни белгилаш. 4. ЮНЕСКО ва БМТ Департаменти эксперtlари билан музокаралар олиб бориш, таълим олиш кутилаётган давомийлик бўйича Ўзбекистон кўрсаткичларини асослаш.	2023 йил октябрь 2023 йил ноябрь 2023 йил декабрь 2024 йил январдан бошлаб доимий	"Электрон ҳукумат тадқиқоти" ҳисоботининг Инсон капитали индексидаги кўрсаткичларни яхшилаш учун масъул ишчи гурӯҳ
38.	Таълим қамровининг ялпи коэффициенти, таълим олишнинг кутилаётган давомийлиги, таълим олишнинг ўртача давомийлиги индикатори доирасида баҳоланадиган кўрсаткичларни таҳлил қилиш ҳамда улар бўйича мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.	1. Индикаторга доир кўрсаткичларни аниқлаш ва улар бўйича мамлакатимиздаги амалдаги ҳолатни мақсадли ўрганишни ташкил этиш. 2. Тўпланган маълумотларни таҳлил қилиш ҳамда бу борада индикаторда юқори натижага эга давлатларнинг илғор тажрибасини ўрганиш. 3. Ўрганиш натижалари бўйича таҳлилий маълумот ва амалга оширилиши лозим бўлган чораларни ўз ичига олган "Йўл харитаси"ни ишлаб чиқиш.	2023 йил ноябрь 2023 йил декабрь 2024 йил январь	"Электрон ҳукумат тадқиқоти" ҳисоботининг Инсон капитали индексидаги кўрсаткичларни яхшилаш учун масъул ишчи гурӯҳ

T/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъул ижрочилар
39.	Аҳоли, жумладан нуронийлар, ёшлар, аёллар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг онлайн хизматлардан фойдаланиши кўрсаткичларини ошириш.	<p>Аҳоли, жумладан нуронийлар, ёшлар, аёллар ва ногиронлиги бўлган шахсларни онлайн хизматлардан фойдаланиш ва IT-билимлар бўйича “ҳаёт давомида таълим олиш” тамоилии асосида бепул ўқитиш бўйича дастур ишлаб чиқиш.</p> <p>Бунда, рақамли технологиялар ўқув марказларида ўқув курсларини ташкил этиш ва уларга малакали мутахассисларни жалб қилиш бўйича чораларни кўзда тутиш.</p>	2024 йил январь	“Электрон ҳукумат тадқиқоти” ҳисоботининг Инсон капитали индексидаги кўрсаткичларни яхшилаш учун масъул ишчи гурӯҳ

V. Маҳаллий онлайн хизматлар индекси

40.	Маҳаллий онлайн хизматлар индексида Ўзбекистон Республикасининг биринчи 30 та ўриндаги давлатлар қаторига киришини таъминлаш бўйича мақсадли кўрсаткичлар ишлаб чиқиши.	<p>1. Маҳаллий онлайн хизматлар индексида баҳолаш мезонларини белгилаган ҳолда уларга эришиш бўйича икки йилга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичларни аниқлаш.</p> <p>2. Мазкур кўрсаткичлар бўйича аниқланган камчилик ва халқаро талабларга номувофиқликларни ҳал этиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва “Рақамли ҳукумат лойиҳа офиси”га киритиш.</p> <p>3. Маҳаллий онлайн хизматлар индексига асосан тадқиқот мақсадида Тошкент шаҳрини баҳолашдан ўtkазиш.</p>	2023 йил ноябрь 2023 йил декабрь 2024 йил январь	“Электрон ҳукумат тадқиқоти” ҳисоботининг Маҳаллий онлайн хизматлар индексидаги кўрсаткичларни яхшилаш учун масъул ишчи гурӯҳ
41.	Жамоат транспорти ҳаракатига оид ҳамда яшил ҳудуд, боғ ва жамоат парклари хақида маълумот берувчи маҳсус порталларни ишга тушириш.	1. Тошкент шаҳрида жамоат транспорти ҳаракатига оид ахборот берувчи маҳсус портални ишлаб чиқиш ва ишга тушириш.	2024 йил август	Транспорт вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Рақамлаштириш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъул ижрочилар
		2. Яшил ҳудуд, бөг ва жамоат парклари ҳақида маълумот берувчи маҳсус портални ишлаб чиқиш ва ишга тушириш, мавжудларини такомиллаштириш.	2024 йил май	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоят ҳокимликлари, “Электрон ҳукумат тадқиқоти” ҳисоботининг Маҳаллий онлайн хизматлар индексидаги кўрсаткичларни яхшилаш учун масъул ишчи гурӯҳ
42.	Аҳолининг чақиравларини қабул қилиш ва уларни тезкор равишда қайта ишлаш бўйича “112” ягона марказлашган диспетчерлик хизмати фаолиятини йўлга кўйиш.	Шошилинч тезкор хизматлар (ёнғин-қутқарув, ички ишлар органлари, тез тиббий ёрдам, газ тармоғининг авария хизмати) бўйича аҳолининг чақиравларини қабул қилиш ва уларни тезкор равишда қайта ишлашни таъминловчи “112” ягона марказлашган диспетчерлик хизмати фаолиятини 2024 йилда республиканинг барча ҳудудларида босқичма-босқич тўлиқ ишга тушириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2023 йил октябрь	Рақамлаштириш вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Энергетика вазирлиги, “Электрон ҳукумат тадқиқоти” ҳисоботининг Маҳаллий онлайн хизматлар индексидаги кўрсаткичларни яхшилаш учун масъул ишчи гурӯҳ

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Мүддати	Масъул ижрочилар
43.	Йўл-транспорт бошқарувини рақамлаштириш ҳамда “ақлли чорраҳа” ва “ақлли светофор” бошқарув тизими асосидаги чорраҳаларни ташкил этиш.	1. Йўл-транспорт бошқарувини рақамлаштириш бўйича зарур чораларни белгилаш. 2. Йўл-транспорт бошқарувини рақамлаштириш бўйича рақамли технологияларни жорий этиш. 3. Илғор хорижий тажриба асосида “ақлли чорраҳа” ва “ақлли светофор” бошқарув тизими асосидаги чорраҳаларни ташкил этиш бўйича зарур чоралар кўриш.	2024 йил декабрь	Тошкент шаҳри ҳокимлиги, Ички ишлар вазирлиги, Транспорт вазирлиги, “Электрон ҳукумат тадқиқоти” ҳисоботининг Маҳаллий онлайн хизматлар индексидаги кўрсаткичларни яхшилаш учун масъул ишчи гурӯҳ
44.	Ягона порталда янги автотранспорт воситалари ва тиркамаларини (ярим тиркамалари) давлат рўйхатидан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш (қайд этиш гувоҳномаси ва давлат рақам белгисини етказиб бериш) хизматини жорий этиш.	1. Хизматни жорий этиш бўйича техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш. 2. Техник ҳужжатлар асосида интерактив хизматни Ягона порталда жорий этиш ва ишга тушириш.	2023 йил ноябрь 2024 йил декабрь	Ички ишлар вазирлиги, “Электрон ҳукумат тадқиқоти” ҳисоботининг Маҳаллий онлайн хизматлар индексидаги кўрсаткичларни яхшилаш учун масъул ишчи гурӯҳ
45.	Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш жараёнларида аҳоли билан электрон муроқотни йўлга қўйиш.	Автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари орқали аниқланадиган йўл ҳаракати қоидлари бузилиши ҳолати юзасидан юбориладиган қарор ва хабарномалар бўйича аҳоли томонидан Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматига электрон мурожаат қилиш (шикоят юбориш) имкониятини яратиш ҳамда Ягона порталда жорий этиш.	2024 йил июль	Ички ишлар вазирлиги, “Электрон ҳукумат тадқиқоти” ҳисоботининг Маҳаллий онлайн хизматлар индексидаги кўрсаткичларни яхшилаш учун масъул ишчи гурӯҳ
46.	Электрон тиббий карта, рецепт ва марказлашган харид ахборот тизимини жорий қилиш.	1. Барча туман (шаҳар)лардаги бирламчи тиббиёт муассасаларида Электрон тиббий карта (тиббий маълумотлар регистрлари ва омборлари) тизимини ишга тушириш.	2023 йил декабрь	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, “Электрон ҳукумат тадқиқоти” ҳисоботининг

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъул ижрочилар
		<p>2. Дори воситаларининг халқаро патентланмаган номланишини кодлари билан биргаликда “Электрон рецепт” тизимиға улаш.</p> <p>3. “Электрон рецепт” (түлиқ талқини) тизимини синов тариқасида Тошкент шаҳрида ишга тушириш.</p> <p>4. Марказлашган тартибда харид қилинадиган дори воситалари мониторинги бўйича ахборот тизимини ишга тушириш.</p>	<p>2024 йил май</p> <p>2024 йил июль</p> <p>2024 йил ноябрь</p>	Маҳаллий онлайн хизматлар индексидаги кўрсаткичларни яхшилаш учун масъул ишчи гурӯҳ
47.	<p>Технология индикатори доирасида баҳоланадиган 18 та кўрсаткич ва талаблар бўйича мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни белгилаш. Бунда, қўйидаги масалаларни хатловдан ўтказиш:</p> <ul style="list-style-type: none"> хокимлик билан боғланиш маълумотларининг мавжудлиги; браузерлар орқали фойдаланиш имкони таъминланганлиги; порталда маълумотларни излаш ҳамда олишнинг осонлиги ва қулайлиги; мобиль қурилмалар ёрдамида фойдаланиш имконияти мавжудлиги; портал навигациясининг қулайлиги; маълумотларни излаш ҳамда олишнинг ички механизми мавжудлиги; ички маълумотларни кенгайтирилган излаш механизми мавжудлиги; дизайн ва ташқи кўриниш бўйича стандартларга мослиги; 	<p>1. 18 турдаги кўрсаткич ва талаблар бўйича амалдаги ҳолатни хатловдан ўтказиш ҳамда мақсадли ўрганишни ташкил этиш.</p> <p>2. Тўпланган маълумотларни таҳлил қилиш ҳамда бу борада рейтингда юқори натижага эга давлатларнинг ижобий тажрибасини ўрганиш.</p> <p>3. Ўрганиш натижалари бўйича таҳлилий маълумотнома ва амалга оширилиши лозим бўлган аниқ чораларни ўз ичига олган “йўл харитаси”ни шакллантириш.</p>	<p>2023 йил ноябрь</p> <p>2023 йил декабрь</p> <p>2024 йил январь</p>	<p>“Электрон ҳукумат тадқиқоти” ҳисоботининг Маҳаллий онлайн хизматлар индексидаги кўрсаткичларни яхшилаш учун масъул ишчи гурӯҳ</p>

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъул ижрочилар
	<p>фойдаланиш құлайлиги борасидаги стандартлар;</p> <p>фойдаланувчиларни онлайн құлаб-құвватлаш имкониятининг мавжудлиги;</p> <p>онлайн хизматлардан фойдаланиш (сони, фойдаланиш статистикаси ва бошқалар) бүйича маълумотлар;</p> <p>портал маълумотларининг янгиланиши;</p> <p>шахсий маълумотлар мавжудлиги;</p> <p>шахсий маълумотларни янгилаш имконияти;</p> <p>тадбиркорликка доир маълумотлар;</p> <p>тадбиркорликка доир маълумотларни янгилаш имконияти;</p> <p>техник құлаб-құвватлаш хизматининг телефон рақамлари.</p>			
48.	<p>Институционал түзилма индикатори доирасида баҳоланадиган 9 та талаблар бүйича мавжуд мұаммо ва камчиликларни бартараф этишга қаратылған комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш. Бунда, қуйидаги масалаларни хатловдан ўтказиш:</p> <p>хөкимлик портали мавжудлиги;</p> <p>маҳаллий ижро этүвчи хөкимият органининг электрон ҳукумат стратегияси мавжудлиги;</p> <p>маҳаллий ижро этүвчи хөкимият органининг ташкилий түзилмаси мавжудлиги;</p> <p>таркибий бўлинмалар (департамент, бошқарма, бўлимлари) раҳбарлари</p>	<p>1. 9 турдаги зарур маълумотлар, ахборот ресурслари мавжудлиги ва долзарбилиги ҳамда чора-тадбирлар күрилиши бүйича амалдаги ҳолатни хатловдан ўтказиш ҳамда мақсадли ўрганишни ташкил этиш.</p> <p>2. Тұпланған маълумотларни таҳлил қилиш ҳамда бу борада рейтингде юқори натижага эга давлатларнинг ижобий тажрибасини ўрганиш.</p> <p>3. Ўрганиш натижалари бүйича таҳлилий маълумотнома ва амалга оширилиши лозим бўлган аниқ чораларни ўз ичига олган “Йўл харитаси”ни шакллантириш.</p>	<p>2023 йил ноябрь</p> <p>2023 йил декабрь</p> <p>2024 йил январь</p>	<p>“Электрон ҳукумат тадқиқоти” ҳисоботининг Маҳаллий онлайн хизматлар индексидаги кўрсаткичларни яхшилаш учун масъул ишчи гурӯҳ</p>

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъул ижрочилар
	<p>түғрисида ҳамда улар билан боғланиш бўйича маълумотлар мавжудлиги;</p> <p>давлат маълумотларидан фойдаланиш ҳуқуқининг таъминланиши;</p> <p>маълумотларни ошкор этмаслик бўйича (конфиденциаллик) сиёсатнинг мавжудлиги;</p> <p>очиқ маълумотлар билан ишлаш тартиби;</p> <p>ҳокимлик, идора ва ташкилотларнинг расмий веб-сайтларига ҳаволалар;</p> <p>порталда аутентификация қилиш имконияти.</p>			
49.	<p>Контент тақдим этиш индикатори доирасида баҳоланадиган 21 та талаб бўйича мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш. Бунда, қўйидаги масалаларни хатловдан ўтказиш:</p> <p>хорижий тиллардаги талқинининг мавжудлиги;</p> <p>ҳокимлик түғрисидаги маълумотнинг мавжудлиги;</p> <p>об-ҳаво ҳамда табиий оғатлар түғрисида огоҳлантиришлар берилиши йўлга қўйилганилиги;</p> <p>харидлар бўйича эълонлар мавжудлиги;</p> <p>харидлар натижаси түғрисидаги маълумотлар;</p> <p>тақдим этилаётган (кўрсатилаётган) хизматлар түғрисида маълумотлар мавжудлиги;</p>	<p>1. 21 турдаги зарур маълумотлар, ахборот ресурслари мавжудлиги ва долзарбилиги ҳамда чора-тадбирлар кўрилиши бўйича амалдаги ҳолатни хатловдан ўтказиш ҳамда мақсадли ўрганишни ташкил этиш.</p> <p>2. Тўпланган маълумотларни таҳлил қилиш ҳамда бу борада рейтингда юқори натижага эга давлатларнинг ижобий тажрибасини ўрганиш.</p> <p>3. Ўрганиш натижалари бўйича таҳлилий маълумотнома ва амалга оширилиши лозим бўлган аниқ чораларни ўз ичига олган “йўл харитаси”ни шакллантириш.</p> <p>4. Контент тақдим этиш индикатори бўйича кўрсаткчиларни яхшилаш юзасидан “йўл харитаси”ни амалга ошириш.</p>	<p>2023 йил ноябрь</p> <p>2023 йил декабрь</p> <p>2024 йил январь</p> <p>2024–2025 йиллар</p>	<p>“Электрон ҳукумат тадқиқоти” ҳисоботининг Маҳаллий онлайн хизматлар индексидаги кўрсаткчиларни яхшилаш учун масъул ишчи гурӯҳ</p>

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъул ижрочилар
	<p>фүқаролик жамияти билан ҳамкорликда күрсатыладиган хизматлар;</p> <p>бепул Интернетдан фойдаланиш масканлари түғрисида маълумот (интерактив харита);</p> <p>экология (утилизация марказлари, яшил макон зоналари манзиллари, дараҳтлар) ва атроф муҳит түғрисидаги маълумотлар;</p> <p>таълим ҳақида ҳамда соҳа ташкилотлари манзиллари түғрисида маълумотлар (интерактив харита) мавжудлиги;</p> <p>ижтимоий ҳимояга доир маълумотлар (ногиронлиги бўлган шахслар учун реабилитация марказлари, пенсия тарқатиш марказлари, соғлиқни тиклаш пансионатлари ва ташкилотлари ва бошқалар түғрисида) мавжудлиги;</p> <p>спорт мажмуалари ҳамда маданият марказлари, музейлар, театр, кино ва кўнгилочар парклар түғрисида маълумотлар (интерактив харита) мавжудлиги;</p> <p>аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари (қариялар, ногиронлиги бўлган шахслар, аёллар, ёшлар) учун мўлжалланган маълумотларнинг мавжудлиги;</p> <p>суд жараёнларининг онлайн трансляциясини кузатиб бориш, судга чақирув қоғозлари ҳолатини текшириш, суд бинолари манзиллари ва уларнинг иш вақти, судьялар түғрисида маълумотлар мавжудлиги;</p>			

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъул ижрочилар
	<p>“ақлли шаҳар” тамойили доирасида амалга оширилган лойиҳаларнинг амалиётга жорий этилганлиги;</p> <p>замонавий технологиялар (AI, блокчейн, IoT ва бошқалар)ни амалиётда қўллаш ҳолати;</p> <p>статистик ва тадқиқот натижалари маълумотлари мавжудлиги;</p> <p>жамоат транспорти ҳаракати тўғрисида маълумотлар;</p> <p>мобиль иловалар мавжудлиги ва улардан фойдаланиш имконияти;</p> <p>чиқиндилар ва уларни қайта ишлаш бўйича маълумотлар (утилизация қилиш манзиллари, усуслари ва бошқалар);</p> <p>йўл ҳаракати хавфсизлигига доир маълумотлар мавжудлиги (қоидалар, уларни бузганлик учун жазо турлари ва жарималар миқдори, жарималарни тўлашдаги имтиёзлар, йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлганда мурожаат қилиш учун телефон рақамлари ва бошқалар);</p> <p>MGRдан фойдаланиш статистикаси</p>			
50.	<p>Электрон иштирок этиш индикатори доирасида баҳоланадиган 17 та талаблар бўйича мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни белгилаш. Бунда, қуйидаги масалаларни хатловдан ўтказиш:</p> <p>ҳокимликнинг электрон почта манзили орқали мурожаатларга жавоб бериши;</p>	<p>1. 17 турдаги талаблар бўйича амалдаги ҳолатни хатловдан ўтказиш ҳамда мақсадли ўрганишни ташкил этиш.</p> <p>2. Тўпланган маълумотларни таҳлил қилиш ҳамда бу борада рейтингда юқори натижага эга давлатларнинг ижобий тажрибасини ўрганиш.</p>	<p>2023 йил ноябрь</p> <p>2023 йил декабрь</p>	<p>“Электрон ҳукумат тадқиқоти” ҳисоботининг Маҳаллий онлайн хизматлар индексидаги кўрсаткичларни яхшилаш учун масъул ишчи гурӯҳ</p>

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъул ижрочилар
	<p>ҳоқимликнинг электрон почта манзили орқали тақдим этилган жавобининг мазмуни; маҳаллий бюджет ва уларнинг сарф-харажати бўйича маълумотлар; очик маълумотларни тақдим этиш; очик маълумотларда мета шаклидаги маълумотлар мавжудлиги; зўравонликка доир барча турдаги ҳолатлар ҳақида хабар бериш; реал вақт режимида мулоқот имконияти (онлайн ёрдамчи, чат функциялари); қайта алоқа ва шикоят йўллаш имконияти мавжудлиги; онлайн муҳокама қилиш имконияти мавжудлиги; ижтимоий тармоқлар функциялари мавжудлиги; жамоат жойларида содир бўлган ҳодисалар тўғрисида маълумот олиш (бериш) имконияти мавжудлиги; аҳоли иштирокида бюджетни шакллантириш имконияти мавжудлиги; ердан фойдаланиш режаси аҳоли иштирокида шакллантирилиши; келгусида ўтказиладиган электрон иштирокка доир тадбирлар ҳақида маълумот; маслаҳат жараёнлари ҳақида шарҳлар қолдириш; ҳоқимлик кенгашининг очик мажлислари тўғрисида маълумотлар мавжудлиги.</p>	<p>3. Ўрганиш натижалари бўйича таҳлилий маълумотнома ва амалга оширилиши лозим бўлган аниқ чораларни ўз ичига олган “Йўл харитаси”ни шакллантириш ҳамда “Рақамли ҳукумат” лойиҳа офисига киритиш.</p>	2024 йил январь	

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъул ижрочилар
51.	<p>Хизматлар тақдим этилиши индикатори доирасида баҳоланадиган 17 та комплекс хизматлар гурӯҳига кирувчи хизматларни түлиқ хатловдан ўтказиш ва ular доирасига кирувчи барча хизматлар рўйхатини шакллантириш.</p> <p>3 қадам, “user centric”, “барчаси битта мобиль иловада” тамойиллари асосида зарур чора-тадбирларни амалга ошириш. Бунда, қўйидаги масалаларни хатловдан ўтказиш:</p> <ul style="list-style-type: none"> хуқуқни муҳофаза қилиш органларига онлайн мурожаат юбориши; ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун онлайн ариза топшириш имкониятининг мавжудлиги; қурилиш ишларини амалга ошириш учун рухсатнома олиш; атроф-муҳит билан боғлиқ ишларни амалга ошириш (даражатларни кесиш, кўнгилочар масканлар яратиш ва бошқалар) учун рухсатнома олиш; тадбиркорлик субъектини рўйхатдан ўтказиш, шунингдек айrim турдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун рухсатнома (лицензия)ни онлайн олиш имконияти мавжудлиги; доимий ва (ёки) вақтингчалик яшаш манзили бўйича онлайн рўйхатга олиш имконияти; туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномани онлайн олиш имконияти; ўлим ҳақидаги гувоҳномани онлайн олиш имконияти; 	<p>1. 17 турдаги комплекс хизматлар гурӯҳига кирувчи хизматларни түлиқ хатловдан ўтказиш ва ular доирасига кирувчи барча хизматлар рўйхатини шакллантириш.</p> <p>2. Шакллантирилган рўйхатдаги хизматлар амалда кўрсатилиши ҳолатини таҳлил қилиш.</p> <p>3. Таҳлил натижаларига кўра хизматларни онлайн шаклга ўтказиш ва (ёки) мавжудларини тўлиқ автоматлаштириш, соддалаштириш бўйича рейтингда юқори натижага эга давлатларнинг ижобий тажрибасига таянган ҳолда аниқ чораларни ўз ичига олган “йўл харитаси”ни шакллантириш.</p>	<p>2023 йил ноябрь</p> <p>2023 йил декабрь</p> <p>2024 йил январь</p>	<p>“Электрон ҳукумат тадқиқоти” ҳисоботининг Маҳаллий онлайн хизматлар индексидаги кўрсаткичларни яхшилаш учун масъул ишчи гурӯҳ</p>

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъул ижрочилар
	<p>никоҳ ҳақидаги гувоҳномани онлайн олиш имконияти;</p> <p>яшаш манзили ўзгарганлиги ҳақида хабардор қилиш имконияти;</p> <p>кўчмас мулкка (ерга) бўлган ҳуқуқни онлайн рўйхатдан ўтказиш имконияти;</p> <p>электрон харидлар бўйича сервис мавжудлиги;</p> <p>бўш иш ўринлари ва уларга онлайн ариза топшириш имконияти;</p> <p>тадбиркорликни бошлаш учун рўйхатдан ўтказиш, рухсатнома (лицензия) олиш ва тўловларини онлайн тўлаш имконияти;</p> <p>йиғимларни онлайн тўлаш имконияти;</p> <p>ичимлик сув учун тўловларни онлайн тўлаш имконияти;</p> <p>электр энергияси ҳамда газ учун тўловларни онлайн тўлаш имконияти.</p>			

VI. БМТнинг Электрон ҳукумат рейтингида Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилаш бўйича ишларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш

52.	<p>“Электрон ҳукумат тадқиқотлари” хисоботида эълон қилинадиган Электрон ҳукумат рейтингида мамлакатимизнинг 2030 йилга қадар биринчи 30 та ўриндаги давлатлар қаторига киришини таъминлашга қаратилган “Рақамли ҳукумат – 2030” стратегиясини ишлаб чиқиши.</p> <p>Бунда, рақамли ҳукумат тизимини ривожлантиришга эришиш бўйича аниқ мақсадли кўрсаткичлар ҳамда технологик Бош режани тасдиқлашни назарда тутиш.</p>	<p>1. Халқаро даражада тажрибага эга хорижий малакали мутахассисларни жалб қилган ҳолда, шу жумладан тегишли индекслар бўйича баҳолаш мезонларини белгилаган ҳолда уларга эришиш бўйича мақсадли кўрсаткичлар ўрнатилишини назарда тутувчи Стратегия лойиҳасини ишлаб чиқиши.</p> <p>2. Стратегия лойиҳасини манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиш ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	<p>2024 йил февраль</p> <p>2024 йил март</p>	<p>Рақамлаштириш вазирлиги, Стратегик ривожлантириш агентлиги, Адлия вазирлиги, ОТФИВ, ММТВ, “Рақамли ҳукумат лойиҳа офиси”</p>
-----	--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	----------------------------------------------	-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Мүддати	Масъул ижрочилар
53.	<p>“Рақамли ҳүкүмат лойиҳа оғиси” фоалиятини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш.</p>	<p>1. “Рақамли ҳүкүмат лойиҳа оғиси”га белгиланган вазифаларни юқори ва профессионал даражада бажарилишини таъминлай оладиган малакали мутахассисларни жалб қилиш.</p> <p>2. “Рақамли ҳүкүмат лойиҳа оғиси”ни жойлаштириш ва үнга фоалият юритиш учун зарур шароитларни яратиш.</p> <p>3. “Рақамли ҳүкүмат лойиҳа оғиси” фоалиятини молиялаштириш учун маблағлар ва грантлар жалб қилиш бўйича халқаро ташкилотлар ва молия институтлари билан музокаралар ўтказиш.</p> <p>4. Халқаро ташкилотлар ҳамда молия институтлари маблағлари ва грантлари жалб қилингунинга қадар қонунчиликда тақиқланмаган манбалардан маблағлар ва грантлар жалб қилиш ҳисобига “Рақамли ҳүкүмат лойиҳа оғиси” фоалиятини молиялаштириш.</p>	<p>2023 йил октябрь</p> <p>2023 йил октябрь</p> <p>2023 йил декабрь</p> <p>2023 йил октябрдан бошлаб</p>	<p>Рақамлаштириш вазирлиги</p>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2023 йил 14 сентябрдаги ПҚ-308-сон қарорига
2-илова

**“Электрон ҳукумат тадқиқоти” ҳисоботининг
Онлайн хизмат кўрсатиш индексидаги кўрсаткичларни
яхшилаш учун масъул ишчи гурӯҳ
ТАРКИБИ**

1. Ш. Шерматов – рақамли технологиялар вазири, *Ишчи гурӯҳ раҳбари*
2. К. Каримов – олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг биринчи ўринbosари
3. Лавозимига кўра – камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг биринчи ўринbosари
4. Х. Мелиев – адлия вазири ўринbosари
5. О. Омонов – соғлиқни сақлаш вазири ўринbosари
6. У. Бегимкулов – мактабгача ва мактаб таълими вазири ўринbosари
7. Ж. Аbruев – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директори ўринbosари
8. Ж. Казбеков – экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири ўринbosари
9. М. Мирмаксудов – Кадастр агентлиги директори ўринbosари
10. С. Абдуллаев – Адлия вазирлиги департамент бошлиғи
11. Ш. Маткаримов – Иқтисодиёт ва молия вазирлиги департамент бошлиғи
12. А. Мухитдинов – Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази директори
13. А. Султонов – Рақамли технологиялар вазирлиги бошқарма бошлиғи, *Ишчи гурӯҳ котиби*

Изоҳ: Ишчи гурӯҳ аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимларга янги тайинланган ёки тегишли функцияларни бажариш зиммасига юкланган шахслар киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2023 йил 14 сентябрдаги ПҚ-308-сон қарорига
З-илова

**“Электрон ҳукумат тадқиқоти” ҳисоботининг
Электрон иштирок этиш индексидаги кўрсаткичларни
яхшилаш учун масъул ишчи гурӯҳ
ТАРКИБИ**

1. О. Пекось – рақамли технологиялар вазирининг биринчи ўринbosари, *Ишчи гурӯҳ раҳбари*
2. А. Шадманов – соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринbosари
3. О. Қудратов – экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирининг биринчи ўринbosари
4. Ш. Рабиев – адлия вазири ўринbosари
5. У. Бегимкулов – мактабгача ва мактаб таълими вазири ўринbosари
6. Г. Рахимова – иқтисодиёт ва молия вазири ўринbosари
7. С. Бузрукхонов – олий таълим, фан ва инновациялар вазири ўринbosари
8. Р. Турдибоева – камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири ўринbosари
9. F. Бозоров – Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори ўринbosари
10. Ф. Худайкулов – Иқтисодиёт ва молия вазирлиги бўлим бошлиғи
11. А. Султонов – Рақамли технологиялар вазирлиги бошқарма бошлиғи
12. И. Саипов – Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринbosари
13. В. Кравченко – Рақамли иқтисодиёт тадқиқотлари маркази директори, *Ишчи гурӯҳ котиби*

Изоҳ: Ишчи гурӯҳ аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимларга янги тайинланган ёки тегишли функцияларни бажариш зиммасига юкланган шахслар киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2023 йил 14 сентябрдаги ПҚ-308-сон қарорига
4-илова

**“Электрон ҳукумат тадқиқоти” ҳисоботининг
Телекоммуникация инфратузилмаси индексидаги
кўрсаткичларни яхшилаш учун масъул ишчи гурӯҳ
ТАРКИБИ**

1. Ж. Махсудов – рақамли технологиялар вазири ўринbosари,
Ишчи гурӯҳ раҳбари
2. И. Норқулов – иқтисодиёт ва молия вазирининг биринчи
ўринbosари
3. Д. Адилов – қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги
вазирининг ўринbosари – “Янги Тошкент
шаҳрини барпо этиш дирекцияси” директори
4. З. Зияев – Ўзбекистон Республикаси Президенти
хизуридаги Статистика агентлиги директори
ўринbosари
5. Н. Хасанов – “Ўзбектелеком” АК бошқаруви раиси
6. У. Шакиров – “Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини
бошқариш республика маркази” ДУК директори
7. З. Астанов – Иқтисодиёт ва молия вазирлиги департаменти
бошлиғи
8. Ж. Арипов – Рақамли технологиялар вазирлиги бошқарма
бошлиғи ўринbosари
9. Келишувга кўра – телекоммуникация соҳасида фаолият юритувчи
оператор ва провайдерлар раҳбарлари
10. М. Юлдашев – Рақамли технологиялар вазирлиги бошқарма
бошлиғи, *Ишчи гурӯҳ котиби*

Изоҳ: Ишчи гурӯҳ аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига үшбу
лавозимларга янги тайинланган ёки тегишли функцияларни бажариш зиммасига юкланган
шахслар киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2023 йил 14 сентябрдаги ПҚ-308-сон қарорига
5-илова

**“Электрон ҳукумат тадқиқоти” ҳисоботининг
Инсон капитали индексидаги кўрсаткичларни
яхшилаш учун масъул ишчи гурӯҳ
ТАРКИБИ**

1. К. Каримов – олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг биринчи ўринbosари, *Ишчи гурӯҳ раҳбари*
2. У. Шарифходжаев – мактабгача ва мактаб таълими вазирининг биринчи ўринbosари
3. Р. Каримжонов – рақамли технологиялар вазири ўринbosари
4. З. Зияев – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги директори ўринbosари
5. А. Эшchanов – Иқтисодиёт ва молия вазирлиги департаменти бошлиғи
6. С. Бутанов – Рақамли технологиялар вазирлиги бошқарма бошлиғи
7. Э. Муродов – Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги бошқарма бошлиғи
8. Ш. Эргашев – Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги котибият бошлиғи, *Ишчи гурӯҳ котиби*

Изоҳ: Ишчи гурӯҳ аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимларга янги тайинланган ёки тегишли функцияларни бажариш зиммасига юкландган шахслар киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2023 йил 14 сентябрдаги ПҚ-308-сон қарорига
6-илова

**“Электрон ҳукумат тадқиқоти” ҳисоботининг
Маҳаллий онлайн хизматлар индексидаги
кўрсаткичларни яхшилаш учун масъул ишчи гурӯҳ
ТАРКИБИ**

1. А. Хен
 - Тошкент шаҳар ҳокими ўринbosари – Рақамли ривожланиш департаменти раҳбари, *Ишчи гурӯҳ раҳбари*
2. О. Пекось
 - рақамли технологиялар вазирининг биринчи ўринbosари
3. Х. Мелиев
 - адлия вазири ўринbosари
4. Э. Муродов
 - Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги бошқарма бошлиғи
5. М. Хадралиев
 - Соғлиқни сақлаш вазирлиги “IT-med” давлат муассасаси раҳбари
6. А. Султонов
 - Рақамли технологиялар вазирлиги бошқарма бошлиғи
7. С. Абдуллаев
 - Адлия вазирлиги департамент бошлиғи
8. А. Мухитдинов
 - Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази директори
9. В. Кравченко
 - Рақамли иқтисодиёт тадқиқотлари маркази директори
10. Ф. Бурхонов
 - Рақамли ривожланиш департаменти раҳбари ўринbosари, *Ишчи гурӯҳ котиби*

Изоҳ: Ишчи гурӯҳ аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимларга янги тайинланган ёки тегишли функцияларни бажариш зиммасига юкланган шахслар киритилади.

